Унувчанлик кўрсаткичи бўйича стандарт талабига жавоб берадиган ҳар хил партияларидаги бир нав уруғининг унишида илдиз тизимининг ривожланиши кескин фарқ қилади ва экиладиган уруғлар бўйича қўшимча маълумот олишга имкон яратади.

Ўзанинг илдиз тукчалари ривожланиши бўйича қўшимча маълумот олиш учун кумда ўстиргандан кўра филтър қоғозда ўстириш маъқулроқ бўлади. 4-куни санаб ўлчаш даврида ўсув томирлар кўпроқ сақланиб намуналарни аниқроқ белгилашга ёрдам беради.

Уруғларнинг унувчанлигини аниқлаш давридаги ниҳоллар илдизининг ривожланиш кўрсаткичлари ИСТА қайдномасига киритилмаган, бироқ сифат сертификатида кўрсатиладиган қўшимча маълумотлар сифатида киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “�збекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3638-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони.
4. O'z Dst 663:2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар” Давлат Стандарти. – 2017. –5-б.
5. Козубаев Ш.С., Мамарахимов Б.И. “Ўза уруғчилигини такомиллаштириш омиллари” // – Тошкент. -2013. -165 бет.
6. Туробходжаева М., Козубаев Ш., Эгамбердиев Р. “Уруғчилик ва уруғшуносликда стандартнинг вазифаси”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №2. -2014. -33 бет.
7. Турабходжаева М, Козубаев Ш, Абдувоҳидов Ғ. “Уруғлар сифатини халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш – долзарб масалалардан бири”. // АГРО ИЛМ журнали. 4(54) сон. 2018. –5-б.
8. Козубаев Ш, Турабходжаева М. “Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигида янги стандартлар”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №10. -2014. -35-б.
9. International Seed Testing Association (ISTA) News Bulletin No. 154 October 2016.
10. Интернет маълумотлари, <https://www.seedtest.org/en/home.html>

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Козубаев Шухрат Саттарджанович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй) ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0002-5780-3416>.

Абдуваҳидов Ғиёс Қурбоналиевич, таянч-докторант, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй) ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0003-1224-5462>.

Муҳаббат Турабходжаева, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй) ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0003-0174-9569>.

Расулов Дилмурод Ибодуллаевич, таянч-докторант Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй) ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0003-0484-3120>.

Абдурахманова Нодира Данияровна, кичик илмий ходим Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй) ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0003-3099-9735>.

Поступило в редакцию 24.05.2021

УМУМИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ВА ПАХТАЧИЛИК

УЎТ: 631.5

СИДЕРАТ ЭКИНЛАР ЁКИ СИДЕРИУС – ЧИРИНДИ МАНБАИ
СИДЕРАТНЫЕ КУЛЬТУРЫ ИЛИ СИДЕРИУС –
ИСТОЧНИК ОРГАНИКИ
GREEN MANURE OR SIDERIUS – A SOURCE OF
ORGANIC MATTER

Авлиякулов Мирзоолим Авазович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Абдуллаев Жамшид Умурхонович, илмий ходим

Авлиякулов Мирзоолим Авазович, доктор сельскохозяйственных наук
Абдуллаев Жамшид Умурхонович, научный сотрудник

Avliyakov Mirzoolim Avazovich, DSc in agricultural sciences, senior researcher
Abdullaev Jamshid Umurkhanovich, researcher

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти,
Ўзбекистон

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка,
Узбекистан

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute,
Uzbekistan

Аннотация. Ушбу мақолада Республиканинг марказий минтақаси Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари ва жанубий минтақа Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитларида сидерат экин турларини танлаш, етиштириш, кўк ўғит сифатида фойдаланиш ва тупроқнинг агрономик хоссаларига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Пахтачиликда оралиқ экинлар худудларнинг тупроқ-иклим шароитларига, оралиқ экинларнинг тури ва биологиясига ҳамда ишлатиш шаклига қараб танланади. Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги тадқиқотларда сидерат экинларини энг совуққа чидамли ва катта миқдорда кўк масса берадиган турлари (тритикале, жавдар, сули) танлаб олинган. Тупроқнинг эрозияга учраган қисмида энг юқори кўк масса такрорий мошдан кейин сидерат экин сифатида экилган тритикаледа кузатилиб, поя ҳосилдорлиги 89,2 ц/га, илдиз 57,7 ц/га, барг 72,4 ц/га ни ташкил этиб, тўпланган умумий кўк масса 218,8 ц, куруқ массаси 70,7 ц тўпланганлигини қайд этиш мумкин. Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда жавдар ва сулининг бўйи ўртача 87,7 см, беданинг бўйи 18,6 см, барглари сони 5,9 донани, сидерат сифатида ўриб ташланган кўк массаси гектарига 463,7 ц, куруқ массаси 51,7 ц, қолган илдиз қолдиқлари 0-50 см қатламда ўртача 30,6 ц эканлиги қайд этилган. Тупроқ унумдорлигини оширишда ва ғўзани парваришlashда кузги бугдой анғизига дуккакли экинлар мош, соя экиб, унинг таглиги (фони)да оралиқ экинлар (жавдар, сули, тритикале, беда)ни экиш ва кўк масса сифатида (457,3-463,7 ц/га) шудгорлаб ташлаш, тупроқни ҳайдалма қатламини органик қолдиқларга бойитиб, тупроқ унумдорлигини ошириши билан бирга, унинг барча агрономик хоссалари (сув ўтказувчанлиги-97,1-165,2 м³/га га, ҳажм массаси-0-30 см да 0,04, 30-50 см да 0,02 г/см³ га, намлиги-2-3% га) ни яхшилаб, улардан сўнг етиштирилган ғўзанинг ҳосилдорлиги 46,4 ц дан 47,4 ц гача, яъни 15-20% юқори бўлган парваришlash агротехникаси тавсия этилган.

Калит сўзлар: Тупроқ унумдорлиги, сидерат экин турлари, кўк масса, тритикале, жавдар, сули, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий кўрсаткичлари, анғиз-илдиз қолдиқлари, ўсиш-ривожланиш, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по выбору, агротехнике выращивания сидератных культур и влиянию их на агрономические свойства почвы в условиях орошаемых типичных сероземнов Ташкентской области центрального региона и республики таковыридных почв с признаками олуговения Кашкадарьинской области южного региона страны. В хлопководстве подбор промежуточных культур проводится в зависимости от почвенно-климатических условий региона, вида и биологии промежуточных культур, а также формы их использования. В ходе исследований были отобраны наиболее поразостойкие, высокоурожайные

сорта сидератных культур (тритикале, рожь, овес) для условий Ташкентской и Кашкадарьинской областей. В эродированной части почвы наибольшая биомасса наблюдалась у сидерата тритикале, высеянного после повторной культуры маша, урожай стеблей составил 89,2 ц/га, корней 57,7 ц/га, листьев 72,4 ц/га, общая биомасса равнялась 218,8 ц/га, а сухая масса составляла 70,7 ц/га. В условиях такыровидных почв с признаками олуговения средняя высота ржи и овса составила 87,7 см, люцерны - 18,6 см, количество листьев - 5,9 шт., биомасса сидератов - 463,7 ц/га, сухая масса образовалась 51,7 ц/га, корневые остатки составили 30,6 ц/га в 0-50 см слое почвы. Для выращивания хлопчатника и повышения плодородия почвы рекомендуется выращивать бобовые культуры, такие как маш, соя, после озимой пшеницы и в дальнейшем выращивать промежуточные культуры (рожь, овес, тритикале, люцерна) в качестве сидерата и запахивать общую биомассу (457,3 до 463,7 ц/га), что обеспечивает обогащение слоя почвы 0-30 см органическими остатками, улучшаются агрономические свойства почвы (водопроницаемость почвы повышена на 97,1-165,2 м³/га, объемная масса в 0-30 см слое почвы на 0,04, в слое 30-50 см на 0,02 г/см³, влажность на 2-3%), при выращивании хлопчатника после сидератов урожайность хлопчатника повышается на 15-20%, при этом создается возможность получить 46,4 до 47,4 ц/га урожая хлопка-сырца.

Ключевые слова: Плодородие почвы, виды сидератных культур, биомасса, тритикале, рожь, овес, агрофизические и агрохимические свойства почвы, корневые и пожнивные остатки, рост-развитие, урожайность.

Abstract. The paper presents the results of research on the selection, production of green manure crops and the influence on the agronomic properties of the soil in the conditions of irrigated typical sierozem soils of Tashkent province of the central region and in takyr soils with meadow type of Kashkadarya province of the southern region of Uzbekistan. In cotton production, intermediate crops are selected depending on the soil and climatic conditions of the regions, the type of intermediate crops and the form of their use. In research, the most cold-resistant and high-yielding varieties of siterate crops (triticale, rye, oats) have been selected in the condition of Tashkent and Kashkadarya provinces. In the eroded part of the soil, the highest biomass was observed in the siterate crop triticale planted after summer crop mungbean, the yield of stems was 8.92 metric t ha⁻¹, root 5.77 metric t ha⁻¹, leaves 7.24 metric t ha⁻¹, the total bio mass equaled to 21.88 metric t ha⁻¹ where the dry mass formed 7.07 metric t ha⁻¹. In the condition of takyr soils with meadow type, the average height of rye and oats was 87.7 cm, alfalfa - 18.6 cm, the number of leaves totaled 5.9 pieces, the total green manure equaled to 46.37 metric t ha⁻¹, the dry mass formed 5.17 metric t ha⁻¹, the root residues equaled to 3.06 metric t ha⁻¹ in 0-50 cm soil layer. In order to grow cotton and improve soil fertility it was recommended to grow legumes such as mungbean, soybean after winter wheat harvest and in the continuation growing intermediate crops (rye, oats, triticale, alfalfa) as a green manure and plowing total biomass (45.7 to 46.37 metric t ha⁻¹) which ensures enriching the 0-30 cm soil layer with organic residues where the agronomic properties of soil were improved (water permeability improved by 97,1-165,2 m³ ha⁻¹, bulk density in 0-30 cm soil layer by 0,04, in 30-50 cm layer by 0,02 g cm⁻³, soil moisture by 2-3%), when growing cotton after green manure crops the seed-lint yield of cotton improved by 15-20% with total of 4.64 to 4.74 metric t ha⁻¹.

Key words: Soil fertility, types of green manure crops, bio mass, triticale, rye, oats, soil agrophysical and agrochemical properties, root and crop residues, growth-development, yield.

КИРИШ

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини ошириш тўғрисида узундан-узоқ мунозара, мулоҳаза юритилган кўра, амалий ишга ўтиш зарурати туғилди. Суғориладиган майдонларда тупроқ таркиби, айниқса, унинг ҳайдалма қатлами зичлашиб қолган. Солиштирма оғирлиги меъёрдан 50 фоизга ошган. Тупроқнинг бу қадар зичланиб кетишига сабаб, унда гумус ва органик чириндиларнинг ҳаддан ташқари камлигидир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳозирги кунда суғориладиган майдонларнинг 40-45 фоизида ғўза, 30-35 фоизида эса кузги буғдой парваришланмоқда. Агарда ғўза ва кузги буғдой майдонларини 100% деб олсак, шундан 60 фоизига ғўза ва 40 фоизига эса кузги буғдой экиб келинмоқда. Ишлаб чиқариш шароитида ғўза парваришланганда 1 йилда бир даладан 8-12 тоннагача (ҳосил+ғўзапоя), 1 йилда кузги бошоқли дон экинлари парваришланганда эса 11-12 тонна (дон+сомон) органика даладан олиб чиқиб кетилмоқда. Бунда асосий майдонларда фақатгина 1-2

тоннагача физик ҳолда минерал ўғитлар қўлланилаётганлиги, органик ўғитлар, яъни гўнг ва компостлар деярли қўлланилмаётганлиги оқибатида Агрономия фанининг «қайтиш» қонуни бузилмоқда. Бунинг натижасида тупроқдан олиб чиқиб кетилаётган органика ўрни қопланмаслиги ҳисобига тупроқ унумдорлиги йиллар давомида пасайиб кетди. Шу ўринда жаҳон қишлоқ хўжалиги маълумотларига назар солсак, жумладан, Германия, Голландия, Данияда тупроқ таркибидаги гумус миқдори 4-4,6% ни, Россияда 3,6% ни, Украинада 3,2% ни, Белоруссияда 2,4% ни ташкил этгани ҳолда Республикаимизнинг сур тусли қўнғир тупроқларида гумус миқдори ҳайдов қатламида 0,4-0,8% гача, эрозияга мойил суғориладиган типик бўз тупроқларда 0,5-1,2%, тақир ва тақирсимон тупроқларида 0,4-0,9% гумус мавжуд.

Гумусга бой бўлган тупроқ қатлами унумдор қатлам деб юритилади ва гумус ҳосил бўлиши узоқ муддат талаб этадиган жараёндир. Айнан тупроқда гумус ҳосил бўлиши учун органик қолдиқлар тўпланиши ва чириши,

микробиологик фаолиятнинг жадаллиги, тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизик хусусиятлари яхшиланиши зарур. Ушбу хусусиятларни яхшилаш учун узоқ муддат самара берадиган сидерат экин турларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг самарали усулларида бири тупроққа кўпроқ органик модда қолдирадиган такрорий, оралик ва сидерат экинларни экишдир. Сидерат экинларининг тупроққа озика сифатида тўлиқ ҳайдаб ташланганида, биринчидан, тупроқ учун биологик масса – чиринди ҳосил қилувчи ягона биоматериал, иккинчидан, эрозиянинг олдини олувчи ҳамда тупроқдаги озика миқдорини оширувчи, ўсимликнинг ўсиб-ривожланишини таъминловчи ва касалликларни камайтирувчи органик ўғит вазифасини бажаради.

И.Эрназаров фикрига кўра, оралик экинлар қўлланиш шаклига қараб турлича ном билан аталади. Кўкат ўғитлар сўзи қадим замонлардан буён маълум бўлиб, жуда ҳам кенг тарқалган. Кейинроқ кўкат ўғитлар сўзи **“сидерат”** номи билан алмаштирилган. Сидерация сўзи латин тилидан олинган бўлиб, **“сидериус”**, яъни қуёш ёруғлик энергиясининг яшил ўсимлик массасига айланиши деган маънони билдиради (Эрназаров, 1988).

Тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинаётган ғўза-ғалла қисқа навбатлаб экиш тизимига тупроқ унумдорлигини тиклайдиган сидерат экинларини киритиш орқали такомиллаштириш талаб этилади.

Н.Н. Балашевнинг Ўзбекистондаги тажрибаларидан олган маълумотларига қараганда яшил ўғитлар (сидерация) қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига таъсири бўйича гўнган устун келиши таъкидланган. Шундай экан, сидерат экинлари парваришланганда тупроқ унумдорлиги ортишига эришиш мумкин (Балашев, 1980).

Жаҳонда сидерат экинлари **“cover crop”**, **“green manure”** деб юритилади. Тавсия этилган энг юқори ўринда турувчи **5 та топ сидерат экин** турларига жавдар, маржумак, клевер, судан ўти ва вика киради. Бу экинлар тупроққа тўлиқлигича ҳайдаб юборилади ёки чорва учун озуқа сифатида ер устки қисми ўриб олиниб, илдиз анғиз қолдиқлари ерга ҳайдалади. Шунингдек, дунёда **“intercropping”** деган тушунча бўлиб турли экинларни биргаликда ёнма-ён ҳолатда сидерат сифатида етиштирилади.

Олимларимизнинг кўп йиллик тадқиқот натижаларига кўра, такрорий экинлар экилмаган (назорат) далада кузги буғдой экини тупроқнинг 0-50 см қатламида ҳар гектар майдонда 28,3 кг азот, 12,6 кг фосфор ва 16,3 кг калий моддасини тўплайди. Кузги буғдой такрорий экин соя билан биргаликда 110,8-113,8 кг азот, 52,2-53,5 кг фосфор ва 94,4-97,2 кг калий, кузги буғдой ва ҳашаки нўхат экинлари биргаликда 113,2 кг азот, 53,8 кг фосфор ва 97,2 кг калий, кузги буғдой ва тритикале экинлари – 47,8 кг азот, 21,3 кг фосфор ва 27,5 кг калий, кузги буғдой ва тритикале + соя экинлари аралаш

экилганда 84,0 кг азот, 39,0 кг фосфор ва 62,8 кг калий ва кузги буғдой ҳамда такрорий экилган маккажўхори экинлари биргаликда 57,2 кг азот, 25,5 кг фосфор ва 32,9 кг калий моддасини тўплайди. Бунда далага тавсиялар асосидаги минерал ўғитлар қўлланилиб, ғўза парвариш қилинса, тупроқ унумдорлиги ошиб, агрофизик ва агрохимёвий хоссалари ҳам яхшиланишига олиб келади (Авлиёкулов, 2018).

Я.Бўриев Қашқадарё вилояти тақирсимон тупроқлар шароитида олиб борган илмий ишларида кузда перко жавдар билан қўшиб экилса, унинг ўрими баҳорги экинларни мақбул экиш муддатларига тўғри келишини ва гектаридан 548,3 ц кўк масса, яъни чорвачиликни тўйимли, ширали ва минераллар, оқсил ва витаминларга бой ем-хашак билан таъминлаш имконияти борлигини таъкидланган (Бўриев, 2017).

Р.Ориповнинг Ўзбекистон деҳқончилик тизимида қишки оралик экинлар ва уларнинг тупроқ унумдорлиги, ғўза ва бошқа экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борган тадқиқотларида, ҳар гектарда экиш олдида ёки экиш билан бирга йиллик фосфор ва калий миқдорларининг 25-30% ни қўллаб, оралик экинларнинг кузги даврдаги парвариши якунида бир маротаба 600-800 м³/га ҳисобида суғориш тавсия этилган (Орипов, 1983).

М.Махмудовнинг маълумотларига кўра, қишки оралик экинлар баҳорда ҳайдаб ғўза экилганда қуйидаги агротадбирларни амалга ошириш пахта ҳосилини юқори бўлишига олиб келиши тавсия этилган: икки ярусли плугларда 30-40 см ҳайдаш ва албатта длинобаз ёрдамида ерларни яхшилаб текислаш ва бирмунча зичлаш талаб этилган (Махмудова, 1990).

Ю.Ч. Кенжаев таъкидлашича, ғўза-буғдой навбатлаб экиш даласининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш учун ёзда кузги буғдойдан бўшаган майдонларга соя, нўхат, рапс, арпа ва уларнинг турли аралашмаларини, айниқса, горох+рапс, горох+рапс+нўхот аралашмаларини экиш ҳамда етиштирилган кўк массани сидерат сифатида кузда майдалаб 35-40 см чуқурликда сифатли шудгорлаш тавсия этилган (Кенжаев, 2010).

Қ.Мирзажонов тупроқнинг ҳажм массаси унинг гидротехник, ҳаво ва микробиологик ҳолатини белгилаши, кўк ўғитлар унинг умумий ҳолатини мақбуллаштириши, хантал ёки шаддор+хантал экилган дала-ларда мақбул кўрсаткичлар олинганлиги таъкидланган (Мирзажонов, 2008).

К.Мўминов, К.Ҳайдаров таъкидлашича, ирригация эрозияси содир бўладиган типик бўз тупроқлар шароитида сидерат экинлар (рапс, жавдар, рапс+жавдар) барча ер устки массаси кўкат ўғит сифатида ҳайдаб ташланганда тупроқда чиринди, азот ва ҳаракатчан фосфор ортиб, ҳажм массаси камайиб, сув ўтказувчанлиги яхшиланади ва натижада, пахтадан 33,5-24,8 ц/га сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилиши аниқланган (Мўминов ва бошқалар., 2009).

Алмашлаб қисқа ротацияли навбатлаб экиш тизимлари бўйича типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилган тадқиқотларда 2:1 (кузги буғдой+такрорий мош:кузги буғдой+такрорий мош+оралиқ экин жавдар:ғўза) тизимида ғўзадан 5,1 ц/га, 1:1:1 (кузги буғдой+такрорий мош+оралиқ экин тритикале:ғўза:соя) тизимида тегишли равишда 3,1-3,2 ц/га қўшимча ҳосил олинишига эришилган (Халиков ва бошқалар, 2016).

М.Тожиев, К.Таджиевларнинг илмий ишларида ҳар хил ўтмишдош оралиқ ва сидерат экинлардан сўнг ғўза иккинчи йили экиб парваришланганда ҳам тупроқнинг агрофизикавий хусусиятлари бўйича биринчи йилгидек қонуниятлар сақланади. Кузги буғдойдан сўнг экилган ҳар хил такрорий, оралиқ ва сидерат экинлар назоратга нисбатан тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига ижобий таъсир этиши тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган (Тожиев ва бошқалар 2006).

К.Хайдаров ва бошқалар тадқиқотларида Самарқанд вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида оралиқ экинларни (рапс, жавдар, рапс+жавдар аралаш) барча яшил массасини кўкат ўғит сифатида чигит экишдан олдин 32-35 см чуқурликда ҳайдаб ташланганда, тупроқ таркибидаги гумус, азот ва фосфор миқдори ошиши, тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланиб юқори пахта ҳосили олишга замин яратиши кузатишган (Хайдаров ва бошқалар, 2016).

Юқоридаги долзарб муаммолардан келиб чиқиб, тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад:

а) сидерат экинларининг юқори ва сифатли кўк масса берадиган турларини танлаш;

б) сидерат экинларидан қоладиган органик қолдиқларнинг тупроқ агрокимёвий хусусиятларига, тупроқнинг агрофизик хоссаларига ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослаш.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБИЯТИ

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш замирида парваришланаётган экин турининг биологик хусусият ва эҳтиёжига мос келадиган агротадбирларни қўллаш талаб этилади. Шундагина кутилган натижаларга эришиш имконияти кўпроқ бўлади. Тадқиқотлар Ўзбекистоннинг марказий минтақаси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ва жанубий минтақа Қашқадарё илмий тажриба станциясининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тошкент вилоятидаги тажрибалар суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, ғўза:кузги буғдой қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида такрорий экинлар мош, картошка ва помидордан сўнг сидерат экин тритикалени экиб, тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хоссаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар даланинг эрозияга учраган ва аккумуляцияланган қисмларида олиб борилди.

Қашқадарё вилоятида олиб борилган тадқиқотларда тажриба 12 вариант, 3 қайтариқдан иборат бўлиб, 1 ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир вариантнинг майдони 180 м², 4 қатордан уруғ экилди. Ҳисоб-китоб ишлари, фенологик кузатувлар олиб бориладиган майдон тегишлича 90 м² умумий майдони эса 6480 м²ни ташкил этди.

Тажриба даласи тупроғи тақирсимон, сизот сувлар сатҳи 2,5-3,0 м чуқурликда жойлашган. Оралиқ экинлардан тритикале, жавдар, сули, беда октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида экилди.

Тажрибани қўйиш, оралиқ экинларнинг шунингдек, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, фенологик кузатувлар, кўчат қалинлиги, ҳосилдорлик ва бошқа ҳисоблашлар каби тадқиқот ишлари ЎзПИТИда ишлаб чиқилган «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований поливных хлопковых районах» (СоюзНИХИ, 1973), «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981), ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (Тошкент 2007) услубий қўлланмаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.


Тупроқнинг чекланган дала нам сифими 2х2 метр майдончаларни сувга тўлдириб, С.Н. Рызов усулида, тупроқнинг ҳажм массаси Качинский, сув ўтказувчанлиги Долгов усулларида амал даври бошида умумий фонда ва амал даври охирида суғориш тартиблари бўйича аниқланди.

Тупроқ намликлари сидерат экинларни парваришлашнинг турли муддатларида олиниб, термостатда 6 соат 106 °C да қуририлиб аниқланди.


ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Тошкент вилоятида тажрибаларни бошлашдан олдин амал даври бошида тажриба даласининг дастлабки агрокимёвий таҳлилига кўра, даланинг эрозияга учраган қисмида гумус миқдори 0,450-0,620% гача, ялпи азот 0,036-0,054% гача, ялпи фосфор 0,063-0,088% гача, ялпи калий эса 1,87-1,95% гача ўзгариб турган бўлса, даланинг аккумуляцияланган қисмида гумус миқдори 0,490-0,665% гача, ялпи азот 0,042-0,062% гача, ялпи фосфор 0,059-0,095% гача, ялпи калий 1,95-2,0% гача бўлган ҳолда даланинг аккумуляцияланган қисмида эрозияга учраган қисмига нисбатан гумус ва озиқа унсурлари бирмунча юқорилиги маълум бўлди. Дала тупроғи озиқа унсурларининг ҳаракатчан шакллари қабул қилинган классификация бўйича азот ва фосфор билан жуда кам даражада, калий билан эса етарли даражада таъминланганлиги аниқланди.


Сидерат экинларни кўрсаткичлари таҳлил қилинганда тритикаленинг барги таркибида энг кўп азот элементи тўпланган бўлиб, такрорий экин мошдан сўнг сидерат таркибида 3,20%, картошкadan сўнг 2,93%, помидордан сўнг 2,74% азот мавжудлиги аниқланди. Фосфор энг кам тўпланган бўлиб, экин турлари бўйича



1-расм. Сидерат экин тритикале барги таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдори




3-расм. Сидерат экин тритикале пояси таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдори




5-расм. Сидерат экин тритикале илдири таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдори


1,43, 1,12, 0,98% бўлганлиги кузатилди (1-расм). Тритикаленинг пояси таркибда энг кўп калий элементи тўпланганлиги, бунда мошдан сўнг экилганда 3,75-3,80%, картошкдан сўнг 3,50-3,60%, помидордан сўнг 3,25-3,50% бўлди (3-расм). Тритикале илдири таркибда энг кўп фосфор тўпланган бўлиб, мош, картошк ва помидордан сўнг сидерат экилганда тегишлича фосфор 1,58-1,68, 1,42-1,53, 1,25-1,32% га тенг бўлган бўлса, калий ва азот миқдори деярли



2-расм. Сидерат тритикале барги таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдорининг тупроққа қайтиши



4-расм. Сидерат тритикале пояси таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдорининг тупроққа қайтиши



6-расм. Сидерат тритикале илдири таркибдаги озика моддалар (NPK) миқдорининг тупроққа қайтиши

бир-бирига яқин бўлди (5-расм). Суғориладиган типик бўз тупроқлардан ерни бўш қолдирмаган ҳолда йил давомида фойдаланишда сидерат экин сифатида тритикале парваришланиб, баҳор ойларида тўлиқлигича ерга кўк ўғит сифатида ҳайдаб ташланди. Бунда тритикаленинг ҳар бир ўсим-

лик қисмлари бўйича озиқа элементларининг тупроққа қайтиши, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишда агрономия фанининг қайтиш қонуни қанчалик даражада кузатилаётганлиги ўрганилди. Бунда энг кўп озиқа элементлари барг ва пояда тўпланганлиги, илдизда эса бирмунча кўрсаткичлар пастроқ эканлиги кузатилди. Сидерат экини мошдан сўнг парваришланганда ўсимликнинг барги билан бирга 57,6-61,1 кг азот, 49,5-51,8 кг/га калий, 25,7-28,3 кг фосфор гектарига тупроққа қайтганлиги, ўсимлик поясида эса бу кўрсаткичлар тегишлича азот 41,8-44,8 кг, калий 77,2-80,4 кг, фосфор эса 29,4-32,2 кг қайтганлиги, илдиз билан биргаликда эса азот, фосфор ва калий элементи тегишлича 10,2-13,2, 24,4-26,7, 11,6-12,7 кг миқдорда гектарига тупроққа қайтарилганлиги, жами гектарига сидератдан сўнг 109,6-119,1 кг азот, 151,1-158,9 кг калий, 66,7-73,2 кг фосфор тупроққа ўсимлик қолдиқлари билан бирга қайтганлигини қайд этиш мумкин. Сидерат экин такрорий картошка ва помидор экинларидан сўнг парваришланганда тўпланган озиқа моддалар маълум



7-расм. Сидерат даласида тупроқнинг ҳажм масса кўрсаткичини аниқлаш жараёни.

Тошкент вилояти

моллари 2-, 4-, 6-расмларда келтирилган.

Юқори минерал ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларида ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлиги юқорироқ бўлган вариантларда ғўза, кузги буғдой ва бошқа экин турларида ҳам ўсимлик таркибида озиқа моддалар миқдори кўпроқ тўпланганлиги маълум бўлди. Суғориладиган типик бўз тупроқларда ердан йил давомида самарали фойдаланишда сидерат экин тритикале парваришланганда тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишга имкон яратилиши тадқиқотларда аниқланди.

Қашқадрё вилоятида тажрибаларни бошлашдан олдин амал даври бошида тажриба даласининг дастлабки агрокимёвий таҳлилига кўра, тупроқнинг ҳайдалма 0-30 см қатламида ялпи шаклдаги азот 0,084%, фосфор 0,222%, гумус 0,840%, ҳайдов ости 30-50 см қатламда эса тегишлича 0,081, 0,191, 0,779% эканлиги қайд этилди. Озиқа моддаларнинг ҳаракатчан шакллари ҳайдалма қатламда азот 3,88, фосфор 11,8, калий 224,0 мг/кг га тўғри келди. Ҳайдов ости 30-50 см, қатламидаги миқдорлари

сезиларли даражада камлиги (3,41, 9,0, 137 мг/кг) билан фарқ қилди. Олинган натижаларни таҳлил қилиш тажриба даласи тупроғи азот ҳамда фосфор билан кам таъминланган бўлиб, калий билан ўртача даражада таъминланганлигини кўрсатди. Лекин кузги ғалладан кейин дуккакли экинларни экиш ва уларнинг тағлигида оралик (сидерат) экинларни парваришлаб, гектарига 450-460 центнер атрофида кўк массаси майдалаб, шудгорлаб ташланганда тўпланган органик қолдиқларнинг чириши натижасида тупроқ таркиби озиқа элементлари билан таъминланиши паст даражадан ўрта даражага кўтарилди.

Масалан, дуккакли экинлардан кейин оралик экинларни 2-3 тури (жавдар+тритикале+беда, жавдар+сули+беда) қўшиб экиб, уларнинг кўк массаси ерга сидерат сифатида ҳайдаб ташланганда, доимий ғўза парваришланган тупроқ таркибидаги озиқа элементларнинг дастлабки миқдорида нисбатан жами ротация якунида гумус миқдори 0,033-0,036% га, азот- 0,005-0,012%, фосфор- 0,002-0,026% га яхшиланганлиги



8-расм. Сидерат экинининг қуруқ массасини аниқлаш жараёни. (Тошкент вилояти)

аниқланди.

Тошкент вилояти тажриба даласи амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 5 та нуқтадан умумий фонда, амал даврининг охирида эса экин турлари бўйича 1 метр тупроқ қатламидан аниқланди. Ғўза навлари экилган тажриба даласида тупроқ ҳажм оғирлиги амал даври боши яъни баҳорда ҳайдов 0-30 см қатламида 1,29 г/см³, 0-50 см қатламда 1,33 г/см³, 0-70 см қатламда 1,33 г/см³, 0-100 см қатламда эса 1,33 г/см³ бўлди. Тупроқнинг 30-40 см ва 40-50 см қатламларида ҳажм оғирлиги энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, 1,38 г/см³ ни ташкил этди. Ушбу дала майдони йиллар давомида деярли бир хил чуқурликларда ҳайдалиши ҳамда 60-70 см чуқур юмшатиш ўтказилмаганлиги сабабли қаттиқ қатлам вужудга келганлиги генетик қатламлар бўйича таҳлилларда ҳам ўз исботини топди.

Суғориладиган типик бўз тупроқларда ўтказилган тадқиқотларда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда барча экин турларида амал даври бошига нисбатан охирида тупроқ ҳажм оғирлиги ошганлиги, аммо бутун ротация якунида яхшиланганлиги қайд этилди. Такрорий экинлардан сўнг қишки мавсумда сидерат

экилганда тупроқ ҳажм оғирлиги тупроқнинг 0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см қатламларида амал даври бошига нисбатан охирида тегишлича 0,04, 0,02, 0,01, 0,01 г/см³ га ошганлиги аниқланди. Сидератдан сўнг экилган ғўза даласида юқоридаги қатламлар бўйича тупроқ ҳажм оғирлиги амал даври бошига нисбатан 0,06-0,09, 0,05-0,08, 0,04-0,06, 0,02-0,05 г/см³ га ортганлиги кузатилди.


Умуман олганда, тупроқ ҳажм массаси амал даври бошидагига нисбатан амал даври охирида бироз ошган бўлсада, бутун ротация якунида ҳажм массаси яхшиланилиши кузатилди.

Суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиб, экинлар илмий асосда кетма-кетликда парваришланганда амал даври бошидагига нисбатан охирида суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ғўзада 29-43 м³/га, кузги буғдойда 21-28 м³/га, такрорий экинлар картошка, мош, помидор экинларида тегишлича 98-107 м³/га, 27-31 м³/га, 64-77 м³/га камайганлиги кузатилган бўлса-да, сидерат экинларидан сўнг бутун ротация якунида 69-78 м³/га га ортди. Яъни суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида фойдаланилганда тупроқ сув ўтказувчанлиги яхшиланиши қайд этилди (9-расм).

ятларига ижобий таъсир этганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қашқадарё вилоятида тажриба даласида амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 5 та нуқтадан умумий фонда, амал даврининг охирида эса экин турлари бўйича 0-50 см тупроқ қатламинан аниқланди. Амал даври бошида тажриба даласининг умумий тағлигидан 5 нуқтадан олинган тупроқ намуналарининг ҳажм массаси 1,26 г/см³ дан 1,31 г/см³ гача ораликда бўлиб, ўртача 0-30 см ли қатламда 1,29 г/см³ га тенг бўлиб, қуйи қатламдагидан енгилроқлиги кузатилди. Тупроқнинг ҳайдов ости 30-50 см қатламида ҳажм массаси 1,42 г/см³ га тўғри келди ёки ҳайдалма қатлам тупроғига нисбатан 0,13 г/см³ оғирроқ ёки зичлашганлиги эътироф этилди.

Тупроқнинг ҳажм массаси такрорий экинлар амал даври охирида амал даври бошидагига нисбатан ҳайдалма қатламда ҳам, остки қатламда ҳам ортганлиги қайд этилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, такрорий экинлар қисқа муддатда ўсиб ривожланган бўлса-да, уларнинг тупроққа таъсири кузатилди. Мош парваришланган вариантда ўртача ҳайдалма қатламда 0,034 г/см³, ҳайдов ости қатламда 0,026 г/см³га, соя



9-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги динамикаси

Суғориладиган ерлардан йил давомида фойдаланилганда тупроқ сув ўтказувчанлиги яхшиланиб борганлиги, ҳар бир экиндан сўнг тупроқнинг сифатли ҳайдалиб, майин ҳолатга келганлиги, ўсимлик қолдиқларининг тупроқда қолганлиги ва тупроқ хусуси-

экилган вариантда бу кўрсаткичлар тегишлича 0,032 г/см³, 0,025 г/см³, кунжутда бу кўрсаткичлар бироз юқорилиги билан фарқ қилди ёки тегишлича 0,039 г/см³, 0,029 г/см³ га оғирроқ бўлиб зичлашганлиги равшан бўлди. Дуккакли экинлар тағлигида қишки

оралиқ экинлар экилиши, улардан юқори миқдорда кўк масса қолиб, тупроқни чириндига бойитиши натижасида унинг дондорлиги ошиб, ҳажм массаси 0-30 см қатламда 0,041 г/см³, 30-50 см ли қатламда 0,027 г/см³ га камайганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланган 6 соат мобайнида сув сингишида камайиш тенденцияси борлиги аниқланди. Бу кўрсаткич фақат такрорий экинлар экилган майдонларда 611,7-625,6 м³/га тенг бўлгани ҳолда тупроқ ҳам такрорий ва ҳам сидерат экинларни бир тури экилганда 644,6-659,1 м³/га, тупроқнинг энг кўп сув сингдириши такрорий экинлар фонида сидерат экинларни 2-3 тури экилганда намоён бўлди ва у тегишлича 674,0-706,6 м³/га ёки юқоридаги сидерат экинлар экилмаган вариантларга нисбатан ўртача 55,6 м³/га дан 89,0 м³/га кўп сув кетганлиги кузатилди.

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида парваришланган сидерат экинлари кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилди. Хусусан, даланинг эрозияга учраган қисмида энг юқори кўк масса такрорий мошдан кейин экилган сидератда кузатилиб, поя ҳосилдорлиги 89,2 ц/га, илдиз 57,7 ц/га, барг 72,4 ц/га ни ташкил этди ва тўпланган умумий кўк масса 218,8 центнер, қуруқ массаси 70,7 центнер эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга такрорий картошкадан кейин экилган сидератда поя ҳосилдорлиги 65,8 ц/га, такрорий помидордан кейин экилган сидератда 50,9 ц/га, илдиз ҳосилдорлиги тегишлича 32,9 ц/га, 24,8 ц/га, барг ҳосилдорлиги 58,3 ц/га, 49,5 ц/га ни ташкил этиб, тўпланган умумий кўк массаси 157,0 ц/га, 125,1 ц/га, қуруқ масса 50,8 ц/га, 44,0 ц/га эканлиги аниқланди. Бундан ташқари даланинг аккумуляцияланган қисмида ҳам юқоридаги каби тенденция борлиги кузатилди.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳам эрозияга учраган тупроқларда, ҳам даланинг аккумуляцияланган қисмида такрорий мошдан кейин сидерат экинларни парваришлаш жараёнида улардан юқори миқдорда кўк масса олиш имконияти борлиги тадқиқотларда ўз исботини топди.

Қашқадарё вилоятининг тупроқ иқлим шароити кузги сидерат экинларидан юқори масса олиш имконини беради. Лойиҳа иш дастури режасига мувофиқ тажриба ўтказиладиган майдонда такрорий экинлардан (мош, соя, шолғом, кунжут) бўшаган майдонларга октябрь ойининг охири декадасида оралиқ экинлар (жавдар, сули, тритикале, беда) экилди ва уруғ суви билан суғориб, тўлиқ кўчат ундириб қишлоғга киритилди. Қиш ойларида ҳаво ҳароратининг иссиқ келиши оралиқ экинларни яхши ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди (1-жадвал).

Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда энг юқори кўрсаткич дуккакли экинлар тағлигида оралиқ экинларга қишқи дуккакли экин беда қўшиб экилганда кузатилди. Унга кўра жавдар ва сулининг бўйи ўртача 87,7 см, беданинг бўйи 18,6 см, ҳосил бўлган барглари сони 5,9 донани, сидерат сифатида ўриб ташланган кўк массаси гектарига 463,7 ц, қуруқ массаси 51,7 ц, қолган илдиз қолдиқлари 0-50 см қатламда ўртача 30,6 ц эканлиги аниқланди (12-рам). Бундан ташқари тритикаленинг бўйи ўртача 85,9, 86,7 см ни ташкил этган бўлса, тўпланган кўк массаси гектарига 457,3, 458,7 ц, қуруқ массаси 51,1, 51,4 ц, улардан қолган илдиз қолдиқлари 0-50 см қатламда ўртача 29,9, 30,4 ц эканлиги аниқланди.

Юқоридаги таҳлиллар бўйича бироз паст кўрсаткич сабзавот (шолғом) ва мойли (кунжут) экинлардан кейин оралиқ экин сули экилган вариантларда кузатилди. Унга кўра, сулининг бўйи ўртача 84,3, 84,8 см,



10-расм. Сидерат даласидан тупроқ намуналарини олиш (март ойи, Қашқадарё)



11-расм. Маҳсулдор поялар сонини ҳисоблаш (март ойи, Қашқадарё)

1-жадвал.

Сидерат экинларининг кўк масса ва қуруқ масса ҳосилдорлиги, ц/га,

№	Сидерат экинлар турлари	Поялар сони, млн туп/га	Кўк масса ҳосилдорлиги, ц/га	Қуруқ масса ҳосилдорлиги, ц/га	Илдиз қолдиқлари кўрсаткичлари, ц/га		
					0-30 см	30-50 см	Жами
1	Жавдар	6,300	454,8	50,3	22,1	6,8	28,9
2	Тритикале	6,333	455,7	50,7	22,2	7,0	29,2
3	Жавдар+сули	6,367	456,8	51,3	22,5	7,2	29,7
4	Жавдар+сули+беда	6,400	463,7	51,7	22,9	7,6	30,6
5	Тритикале+беда	6,433	457,3	51,1	22,4	7,5	29,9
6	Тритикале+жавдар+беда	6,300	458,7	51,4	22,9	7,6	30,4
7	Сули	6,433	437,5	49,5	21,5	6,7	28,2
8	Сули	6,433	444,8	49,8	21,6	6,9	28,5

Изоҳ: 7-вариант сули шолғомдан сўнг, 8-вариантда кунжутдан сўнг экилган.

хар тупида 5,4, 5,7 дона барг ҳосил бўлган бўлса, сидерат сифатида ўриб ташланган кўк массаси гектаридан 437,5, 444,8 ц, қуруқ массаси 49,5, 49,8 ц, 0-50 см да илдиз қолдиқлари 28,2, 28,5 ц эканлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб, айтганда кузги ғалладан бўшаган майдонларга дуккакли экинларни экиб парвариш қилинганда, улардан қоладиган илдиз ва ангиш қолдиқлари чириши натижасида тупроқнинг агрофизик хоссалари яхшиланиб, қишки сидерат экинларни яхши ўсиб ривожланиши ва улардан юқори ҳосил (кўк масса 400-450 ц/га) олиш имконияти борлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

Юқоридаги илмий тадқиқот ишлари натижалари бўйича шундай яқдил хулосага келиш мумкинки, бунда Қашқадарё вилоятининг ўтлоқиллашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлигини оширишда ва ўзани парваришlashда кузги бўғдой ангишига дуккакли экинлар мош, соя экиб, унинг тағлигида (фонида) оралиқ экинларни (жавдар, сули, тритикале, беда) сидерат сифатида экиш ва кўк массасини (457,3-463,7 ц/га) шудгорлаб ташлаш, тупроқнинг ҳайдалма қатламини органик қолдиқларга бойитиб, тупроқ унумдорлигини ошириши билан бирга, унинг

барча агрономик хоссаларини (сув ўтказувчанлиги-97,1-165,2 м³/га га, ҳажм массаси-0-30 см да 0,04, 30-50 см да 0,02 г/см³ га, намлиги-2-3% га) яхшилаб, уларнинг фонида етиштирилган асосий экин ўзанинг ҳосилдорлиги 46,4 центнердан 47,4 центнергача, яъни 15-20% юқори бўлган парваришlash агротехникаси тавсия этилади.

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида сидерат сифатида тритикале экини мошдан сўнг парваришланганда ўсимликнинг барги билан бирга 57,6-61,1 кг азот, 49,5-51,8 кг/га калий, 25,7-28,3 кг фосфор гектарига тупроққа қайтганлиги, ўсимлик поясида эса бу кўрсаткичлар тегишлича азот 41,8-44,8 кг, калий 77,2-80,4 кг, фосфор эса 29,4-32,2 кг қайтганлиги, илдиз билан биргаликда эса азот, фосфор ва калий элементи тегишлича 10,2-13,2, 24,4-26,7, 11,6-12,7 кг микдорда гектарига тупроққа қайтарилганлиги, жами гектарига сидерат экин тритикаледан сўнг 109,6-119,1 кг азот, 151,1-158,9 кг калий, 66,7-73,2 кг фосфор тупроққа ўсимлик қолдиқлари билан бирга қайтганини қайд этиш мумкин. Айнан ҳозирги глобал иқлим ўзгариши ва тупроқ шароитлари ҳамда хоссалари ўзгаришлари жараёнида сидерат экинларни парваришlash, тупроқ унумдорлигини ошириш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авлиёқулов М.А. Жанубий минтақа ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларидан йил давомида самарали фойдаланишда экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси // Монография. Наврўз нашриёти. –Тошкент, 2018, 400-б.
2. Балашев Н.Н. Возделывание овощей и картофеля. – Москва, 1980. -с. 19-32.
3. Бўриев Я. Қарши чўли шароитида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агроомиллари. Қарши “Насаф” - 2017 й. 257-259-б.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент. 2007.

5. Кенжаев Ю.Ч. Қисқа навбатли алмашлаб экишда сидерациянинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлиги таъсири // Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2010. – 1-21-б.
6. Махмудова М. Разработка технологии подготовки почвы под посев хлопчатника по пласту промежуточных культур // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. – Ташкент, 1990. – С. 1-19.
7. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. СоюзНИХИ, 1981 г.
8. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. СоюзНИХИ, 1973 г.
9. Мирзажонов Қ. Кўк ўғит нима? // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. № 4, 32 б.
10. Мўминов К., Ҳайдаров К. Сидератларнинг тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2009 й. № 10. – 19-б.
11. Орипов Р. Зимние промежуточные культуры в земледелии Узбекистана, их влияние на плодородие почвы, урожайность хлопчатника и других культур. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора сельскохозяйственных наук. – Омск, 1983. – С. 1-35.
12. Тожиев М., Таджиев К. Оралиқ ва сидерат экинлардан сўнг тупроқнинг агрофизикавий хусусиятлари ўзгариши // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2015 й. № 1. – 28-29-б.
13. Ҳайдаров К. ва бошқалар. Эрозияга учраган бўз тупроқлар агрофизикавий хоссаларини яхшилаш ва пахта ҳосилини оширишда сидератларнинг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2016 й. № 12. – 28-б.
14. Халиков Б.М., Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари // “Ноширлик ёғдуси” нашриёти, – Тошкент, 2016, – 1-222-б.
15. Эрназаров И. Пахтачиликда оралиқ экинлар. – Тошкент. “Меҳнат”. 1988. – 6-б.

Муаллифлар тўғрисида маълумот:

Авлиякулов Мирзоолим Авазович., қ.х.ф.д. к.и.х.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПТИ кўчаси.

Телефон рақами: (97) 7658902

e-mail: mirzoolim89@mail.ru ORCID: 0000-0003-3699-6017

Абдуллаев Жамшид Умуллонович, илмий ходим

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПТИ кўчаси.

Телефон рақами: (97) 2930434

e-mail: jamshidxon.umurxonovich@mail.ru ORCID: 0000-0001-6628-9976

Поступило в редакцию 18.05.2021

УЎТ:633.511:631.521:631.8.

ПОРЛОҚ-1 ҒЎЗА НАВИДА ТУРЛИ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ, СУВ-ОЗИҚА МЕЪЁРЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗЛИЧНЫХ ГУСТОТА СТОЯНИЯ И ВОДНО-ПИТАТЕЛЬНОГО РЕЖИМА ХЛОПЧАТНИКА СОРТА ПОРЛОК-1

ECONOMIC EFFICIENCY OF DIFFERENT PLANTING DENSITY AND WATER-NUTRIENT REGIME OF COTTON VARIETY PORLOK-1

Тогаев Сухробжон Мирахматович, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD),

Тогаев Сухробжон Мирахматович, доктор философии по сельскохозяйственным наукам, (PhD),

Tog'ayev Suhrobjon Mirahmatovich, PhD in agricultural sciences, senior researcher.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute

Аннотация. Ушбу мақолада Ген-нокаут усулида яратилган Порлоқ-1 ғўза навини агротехникасини ишлаб чиқишда унинг мақбул суғориш тартиблари, маъдан ўғит меъёрлари ва кўчат қалинлигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Бунда Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида Порлоқ-1 ғўза навида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % намликда 1-4-1 тизимда мавсум давомида олти марта суғорилганда, маъдан ўғитлар меъёри соф ҳолда $N_{220}P_{154}K_{110}$ кг/га қўлланилганда, кўчат қалинлигини 80-90 минг туп/га қолдириб парваришланганда, 2016 йил нархида ҳисоблаганимизда соф даромад 2410067 сўмни ташкил этиб, юқори пахта ҳосили 49,4 ц/га ни, рентабеллик даражаси эса энг юқори кўрсаткич 49,2 фоизни ташкил этган. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % намликда 0-2-0 тизимда мавсум давомида икки марта суғорилганда, маъдан ўғитлар меъёри соф ҳолда $N_{260}P_{182}K_{130}$ кг/га, кўчат қалинлигини 100-110 минг туп/га қолдириб парваришланганда, соф даромад 2039943 сўмни ташкил этиб, юқори пахта ҳосили 46,2 ц/га ни, рентабеллик даражаси эса 39,9 фоизни ташкил этган.

Калит сўзлар: Суғориш тартиблари, тупроқнинг чекланган дала нам сизими, минерал ўғит меъёрлари, соф ҳолда, турли кўчат қалинлиги, ҳосилдорлик, соф даромад, рентабеллик даражаси, фоиз.

Аннотация. В статье приведены данные по влиянию оптимальных режимов орошения, норм минеральных удобрений и густоты стояния на показатели экономической эффективности при разработке агротехники сорта хлопчатника Порлок-1 созданного методом ген-нокаут. При возделывании хлопчатника сорта Порлок-1 в условиях староорошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области с проведением поливов режимом орошения 70-70-65% от ППВ, шесть раз, схемой 1-4-1 и применением минеральных удобрений по норме $N_{220}P_{154}K_{110}$ кг/га, при густоте стояния 80-90 тыс. шт/га, чистый доход по ценам 2016 года составил 2410067 сум, получен высокий урожай хлопка-сырца 49,4 ц/га, с повышенным показателем уровня рентабельности 49,2%. В условиях светлых сероземных почв Сырдарьинской области при проведении поливов режимом орошения 70-70-65% от ППВ, два раза, схемой 0-2-0, применением минеральных удобрений по норме $N_{260}P_{182}K_{130}$ кг/га, с густотой стояния 100-110 тыс шт/га чистый доход составил 2039943 сум, получен высокий урожай хлопка-сырца 46,2 ц/га, а уровень рентабельности составил 39,9%.

Ключевые слова: режим орошения, предельный показатель влагоёмкости почвы, нормы минеральных удобрений, в чистом виде, различная густота стояния, урожайность, чистый доход, рентабельность.

Annotation. The paper presents materials on the influence of optimal irrigation scheduling, mineral fertilizer rates and plant densities on cost-effectiveness in production agrotechnology of Porloq-1 cotton variety which created by

gene-knock-out method. At the same time, in the condition of old irrigated typical sierozem soils of Tashkent province irrigating cotton variety Porloq-1 in irrigation scheduling of 70-70-65% Fc six times with irrigation scheme of 1-4-1 during the season, application of mineral fertilizers in the rate of N220, P154, K110 kg ha⁻¹ with plant density of 80-90 thousand plants ha⁻¹ enabled obtaining 4.94 metric t ha⁻¹ seed-lint yield of cotton where the net profit equaled to 2 mln. 410 thousand Uzbek soums and profitability was 49.2 % in 2016-year season. In the condition of light sierozem soils of Syrdarya province, irrigating cotton variety Porloq-1 in irrigation scheduling of 70-70-65% Fc two times with irrigation scheme of 0-2-0 during the season, application of mineral fertilizers in the rate of N260, P182, K130 kg ha⁻¹ with plant density of 100-110 thousand plants ha⁻¹ enabled obtaining 4.62 metric t ha⁻¹ seed-lint yield of cotton where the net profit equaled to 2 mln. 39 thousand Uzbek soums and profitability was 39.9 %.

Key words: Irrigation scheduling, field capacity of soil, fertilizer rates, active substance, different plant densities, seed-lint yield of cotton, profit, profitability level, percentage.

КИРИШ.

Бугунги кунда дунё тўқимачилик саноатида олдинги йилларга нисбатан ген-нокаут усулида яратилган ғўза навлари пахта толасидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бу эса ғўза етиштиришда иқтисодий жиҳатдан янада муҳим эканлигини кўрсатади. Ғўза ўсимлиги дунё бўйича 80 дан ортиқ мамлакатда, 32 миллион гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, йилига 25 миллион тоннадан ортиқ тола ҳосили етиштирилмоқда. (<http://www.ers.usda.gov/publications/cws-cotton-and-wool-outlook/cws-13e.aspx#>. UjhSRRzCBmg)

Пахта толаси етиштириш бўйича етакчи давлатлар (2017–2018 йиллар) Ҳиндистон–6205, Хитой–5987, АҚШ–4555, Бразилия–1895, Покистон–1785, Австралия–1045, Туркия–871, Ўзбекистон–838, Туркменистон–296, Брукина Фасо–158 минг тоннани ташкил этмоқда. Жаҳонда пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШ–3375, Ҳиндистон–980, Бразилия–914, Австралия–849, Ўзбекистон–283, Мали–239, Брукина Фасо–229, Бенин–163, Туркменистон–152 минг тоннани ташкил этиб, Ўзбекистон бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчи давлатларга Бангладеш–1655, Вьетнам–1502, Хитой–1246, Туркия–876, Индонезия–762, Покистон–718, Ҳиндистон–370, Таиланд–250, Мексика–201, Жанубий Корея–197 минг тоннани ташкил этмоқда. (<http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data/pdf>)

Ғўза ҳосилдорлигини оширишда қўлланиладиган барча агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги унинг рентабеллик даражаси билан баҳоланади.

Ж.Ахмедов ва бошқаларнинг тавсияларига кўра, суғориш усуллари ва ер ости сувлари сатҳига қараб 4-7 марта 0(1)-3-0; 1-3(4)-1; 1-4-0; 2-4-1 суғориш тартибларда, ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда ғўзани гулга киргунча суғориш меъёри 600-700 м³/га, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 м³/га, ғўзани гуллаш ва ҳосил туғиш давларида 800-1000 м³/га, ер ости сувлари сатҳи 2-3 м ва 0,5-2,0 метргача бўлган тупроқлар шароитида сув сарфини 10-15 фоизгача иқтисод қилади. (Ахмедов ва бошқалар, 2010 й.)

Н.Қ.Ражабовнинг тадқиқот ишларида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Андижон-36 ғўза навини ЧДНС га нисбатан 65-65-60% да ёки 1-2-1(2) тартибда суғоришни самарали ҳисоблайди, чунки

ушбу суғоришда назоратга нисбатан 4,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси юқори бўлган (Ражабов, 2012).

Н.Ҳ.Дурдиев ва бошқаларнинг илмий изланишларига кўра, суғориш сувларидан оқилона фойдаланиш, суғориш қатламларига сувни етиб бориши, тупроқ таркибидаги озик моддаларни тўғри тақсимланиши, тупроқнинг шўрланиш даражасини тезликда аниқлаб агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш учун WFD асбобидан фойдаланиш самарали эканлигини тадқиқот ишларида аниқлаган (Дурдиев ва бошқалар, 2018).

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, турли минтақаларда тарқалган тупроқларнинг ферментлар фаоллиги йил давомида ўзгариши борасида

кўплаб натижалар олинганлигига қарамасдан, лалми типик бўз тупроқларнинг ферментатив фаоллигига оид муаммолар етарлича.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР.


Ёгингарчилик билан ярим таъминланган типик бўз тупроқларда каталаза, пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментлари фаоллигининг намлик миқдорига ҳамда йил фасллари бўйича ўзгариш динамикаси ўрганилди. Каталаза ферменти фаоллиги Ю.В. Круглова ва Л.Н. Пароменской (1966), пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментлари фаоллиги (А.Ш. Галстян, 2005) услублари асосида аниқлаш ишлари амалга оширилди.

Тупроқ намуналари Марказий тажриба хўжалигидаги ғалла-шудгор алмашлаб экишнинг беш далали схемасидан олинди. Лаборатория шароитида тупроқдаги ферментлар фаоллигини аниқлаш куз (октябрь), баҳор (апрел) ва ёз (июнь) ойларида амалга оширилди. Таҳлилларни ўтказиш олдидан тупроқнинг 0-15, 15-30 ва 30-50 см қатламларидаги табиий намлик миқдори аниқланди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА.

Каталаза ферменти тупроқда кечадиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Шу билан биргаликда ўзида мураккаб оксил ва биологик фаол гуруҳ моддаларни сақлайди. Каталаза ферментининг тупроқ қопламидаги фаоллиги тупроқдаги азот миқдори, микроорганизмлар фаоллиги, органик моддалар, лой заррачаларининг миқдори, ўсимлик қоплами ва хилма-хиллиги, тупроқнинг солиштирма оғирлиги, сингдириш сифими ҳамда экологик ҳолати билан боғлиқ.

Ёгингарчилик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида тарқалган типик бўз тупроқларда каталаза фаоллиги баҳор фаслида тупроқнинг зичлиги кам, ғоваклиги юқори ҳамда органик моддалар кўп 0-15 см қатламида $26,0 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ни, 15-30 см қатламида $25,3 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ни, 30-50 см қатламда эса $17,7 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ни ташкил этди. Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида $23,0 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ни, 15-30 см қатламида $18,3 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ни 30-50 см қатламда эса $16,3 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ташкил этди. Куз фаслига келиб каталаза ферменти тегишлича $25,7\text{-}24,3 \text{ см}^3 \text{ O}_2/\text{мин}$ ораликда эканлиги аниқланди.



1-расм. Каталаза ферментининг фаоллиги


Бундан кўриниб турибдики, тупроқ кесмаси бўйлаб органик моддалар ва ғоваклигининг камайиши, намлик ва зичлигининг ортиши натижасида каталаза ферменти фаоллигининг камайиши, йил фасллари бўйича намлик миқдорининг кўпайиши ҳисобига каталаза ферменти фаоллиги ортиши аниқланди.

Пероксидаза ва полифенолоксидаза фенолларнинг оксидланишини тезлаштиради, яъни бу тезлашиш ҳаво кислороди ҳисобига давом этади. Кислород, фенолга етиб бориши билан, гумусга ўхшаган мураккаб тўқ рангли моддалар ҳосил бўлади. Бу ферментлар тупроқдаги мураккаб гумус моддаларни ҳосил қилиш ва уларнинг ҳаракатчан турларини оширишда бир вақтнинг ўзида тўла мукамал иштирок этади. Перок-

сидаза жуда ҳам енгил полифенолларни оксидлайди. Шунинг учун ҳам ўсимликларнинг нафас олиш жараёнида у асосий вазифаларни бажаради.

Тупроқ ҳосил бўлишидаги ўзининг муҳим аҳамияти ва ўсимлик ҳаётидаги омилларга таъсири билан ферментлар фаоллиги жуда мураккаб кўринишлар қаторига киради ва тупроқ ҳосил қилувчи шароитларга боғлиқ.


Маълумки, пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментлари фаоллигини ўрганиш тупроқда гумус моддаларининг парчаланиш – синтез жараёнлари йўналиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкони беради ва уларнинг нисбати бўйича тахминий гумификация коэффицентини ҳисоблаб чиқиш мумкин.



2-расм. Пероксидаза ферментининг фаоллиги

Оксидазалар гуруҳига мансуб ферментларнинг мавсумий динамикада ўрганиш улар фаоллигининг гидротермик шароитлар таъсирида ўзгаришини аниқлаш лалми типик бўз тупроқларда турли қонуниятларни аниқлаш имконини беради (1-расм).

Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида 0,054 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,046 мг пурпургаллин/100 г тупроқни 30-50 см қатламда эса 0,031 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Куз фаслига келиб пероксида-



3-расм. Полифенолоксидаза ферментининг фаоллиги

Ўғингарчилик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида тарқалган типик бўз тупроқларда полифенолоксидаза ферменти фаоллиги баҳор фаслида тупроқнинг ғоваклиги юқори ҳамда органик моддалар кўп 0-15 см қатламида 0,124 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,083 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 30-50 см қатламда эса 0,064 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида 0,072 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,055 (мг пурпургаллин/100 г тупроқни) 30-50 см қатламда эса 0,019 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Куз фаслига келиб полифенолоксидаза ферменти тегишлича 0,098-0,023 мг пурпургаллин/100 г тупроқ оралиқда эканлиги аниқланди. Пероксидаза ферменти фаоллиги тупроқнинг 0-15 см қатламида 0,084 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,065 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 30-50 см қатламда эса 0,048 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди.

за ферменти фаоллиги тегишлича 0,071-0,057-0,021 мг пурпургаллин/100 г тупроқ эканлиги аниқланди (2-3-расмлар).

Хулосалар. Тупроқларнинг ферментлар фаоллиги тупроқ-иклим шароитлари билан боғлиқ равишда уларнинг генетик хусусиятларини ифодалайди.

Лалми типик бўз тупроқларининг мавсумий динамикаси бўйича олинган маълумотлар ушбу тупроқларнинг ёз даврида – минимум ҳамда баҳор-куз даврида – максимум фаолликка эга эканлигини кўрсатди. Шунингдек, тупроқларда ферментлар фаоллиги фаслий ўзгаришга эга бўлиб, бу баҳор фаслида юқори бўлади.

Энг кўп ферментлар фаоллиги тупроқларнинг устки қатламида намоён бўлади, пастга томон унинг секинлик билан камайиши кузатилади, бу эса гумус миқдорининг ўзгариши, озиқа элементлари, pH, карбонатларнинг миқдори, механик таркибнинг оғирлашиш, тупроқлар зичлигининг ортиши ва тупроқларнинг генетик хоссалари билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хазиев Ф.Х. Методы почвенной энзимологии. Ин-т биологии Уфим.НЦ. - Москва. Наука. 2005.-252 с.
2. Джуманиёзова Г.И., Сайдалиева Л.Д. Активность пероксидазы и полифенолоксидазы почвы при использовании бактериального удобрения // Вестник аграрной науки Узбекистана. 2001. №4 (6). –С. 44-45.
3. Гафурова Л.А., Муродова С.С., Саидова М.Э., Кадирова Д.А., Набиева Г.М., Махкамова Д.Ю. Изучение влияния засоления на каталазную активность аридных почв // Биоразнообразие, экология, адаптация и эволюция. Материалы в международ. конф. Молодых учёных. – Одесса, 2013. –С. 229-231.
4. Мячина О.В. Экологическая оценка влияния органо-минеральных удобрений на ферментативную активность почвы засушливой зоны Узбекистана // Экологические системы и приборы. Ташкент, 2005. №3. –С. 22-26.

5. Даденко Е.В. Ферментативная активность коричневых почв Черноморского Побережья Кавказа // Материалы V съезда Всероссийского Общества почвоведов им В.В.Докучаева. –Москва. 2008. –С. 283-285.
6. Ананьева Ю.С., Воложанина Я.О., Грибов С.И., Завалишин С.И. Ферментативная активность чернозема выщелоченного в условиях агроценоза Алтайского Приобья // Аграрная наука-сельскому хозяйству: Международ. научно-практическое конф. Кинга 1. –Барнаул, 2006. –С. 46-48.
7. Саидова М.Э. Сезонная динамика ферментативной активности пустынных почв низовьев Амударьи // Узбекский биологический журнал. –Ташкент, 2009. № 3. - С. 59-63.
8. Набиева Г.М. Почвы западных отрогов Чаткальского хребта и их ферментативная активность.: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. –Ташкент, 2008. - С. 12-21.

Муаллифлар хақида маълумот:

Гафурова Лазица Акрамовна, профессор Ўзбекистон Миллий Университети тупроқшунослик кафедраси. Тошкент ш. Олмазар тумани Университет кўчаси 4 уй. E-mail: la.gafurova@nuu.uz ORCHID ID <https://orcid.org/0000-0002-9760-3718>

Мураткасимов Алишер Саттарович қ.х.ф.ф.д., к.и.х. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий тажриба станцияси.

Поступило в редакцию 18.05.2021 г.

УЎТ: 633.51+631.811.941/2

СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ТАРКИБИДА МИС ВА МОЛИБДЕН БЎЛГАН ФОСФОРЛИ ЎҒИТНИНГ ЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ФОСФОРНОГО УДОБРЕНИЯ СОДЕРЖАЩИЙ МЕДЬ И МОЛИБДЕН НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВАХ

THE INFLUENCE OF COPPER AND MOLYBDENUM CONTAINING PHOSPHORUS FERTILIZER ON SEED-LINT YIELD OF COTTON IN THE CONDITION OF IRRIGATED TYPICAL SIEROZEM SOILS

Ниязалиев Бегали Ирисалиевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Тиллабеков Ботир Хасанович, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,
Тиллабеков Бекзод Алишер ўғли, таянч докторант,

Ниязалиев Бегали Ирисалиевич, доктор сельскохозяйственных наук, профессор,
Тиллабеков Ботир Хасанович, кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник,
Тиллабеков Бекзод Алишер ўғли, базовий докторант,

Niyazaliev Begali Irisolievich, DSc in agricultural sciences, professor,
Tillabekov Botir Hasanovich, PhD in agricultural sciences, senior researcher,
Tillabekov Bekzod Alisher ogli, PhD student.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute

Аннотация. Марказий Қизилқум фосфорит намуналари: бойитилмаган фосфорит уни, ювиб қуритилган фосфорит концентратининг физик-механик хоссалари ўрганилди. Интенсив усулда олинган суперфосфат ўз таркиби ва хоссалари билан бошқа усулларда олинган маҳсулотлардан фарқ қилмаслиги аниқланди. Шунингдек, ювиб куйдирилган фосфоконцентрат ва бойитилмаган фосфорит унини 75 ва 93% ли сульфат кислота-

нинг тўлиқсиз меъёрлари ва саноат чиқиндиси билан қайта ишлаш асосида қишлоқ хўжалиги талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган микроэлементли янги турдаги молибденли ва мис-молибденли суперфосфат ўғити олинди ва кимёвий, физик-механик хоссалари тадқиқ қилинди. Шу борада, ғўзанинг яхши ривожланиши учун бир килограмм тупроқда мис 0,4-0,8 мг, рух 1,5-2,5, марганец 80-100, бор 0,8-1,2, молибден 0,2-0,3 мг бўлиши Б.М. Исаев (1979), Е.К. Круглова (1984), Қ.М. Мирзажонов (2014), А.А. Каримбердиева (2014) ва бошқа олимлар томонидан аниқланган. Дастлабки текширишлар натижасида маълум бўлишича, республикада тупроқларида энг танқис микроэлементлар мис, рух, молибден, марганец ҳисобланади. Миснинг кўп миқдорда ғўза баргларида ҳамда чигит таркибида йиғилиши кузатилади. Ўсимликлар мис билан етарли таъминланмаса мис сақловчи ферментлар фаолияти сустлашади. Мис ўсимликларнинг азот алмашув жараёнида ҳам иштирок этади. Шунингдек, молибден ўсимликда азот ўзлаштирилишини яхшилади, чунки у азот ўзлаштирилишда иштирок этувчи нитрогеназа ферменти таркибига ҳам кириди. Ушбу таркибда мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) $N_{200}K_{100}$ кг/га фонида типик бўз тупроқ шароитида қўлланилганда тупроқдаги нитратли азот, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий ҳамда мис ва молибденни умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорларининг ўзгаришига таъсир этди ҳамда ўсимликларни азотли, фосфорли, калийли ҳамда мис ва молибден микроэлементлари билан озиқланиши, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементлари ва қуруқ масса тўпланиши, озиқа моддаларни ўзлаштириши учун нисбатан мақбул шароит яратилиб, гектаридан 2,8-4,6 центнер қўшимча пахта ҳосили олиниши ҳамда тола сифати яхшиланишига эришилди.

Калит сўзлар: *типик бўз тупроқ, азот, фосфор, калий, мис, молибден, қўллаш муддатлари, пахта ҳосили*

Аннотация. Изучено физико-механические свойства образцов фосфоритов Центрального Кызылкума: мытого, сушеного концентрата необогащенного фосфоритовая мука. Определено, что суперфосфат, полученный интенсивным способом по свойствам и содержанием не отличается от других продукции полученных в других условиях. Кроме того, мытый обожженный фосфоконцентрат и необогащенный фосфоритовая мука при переработанной не высоко нормой 75 и 93% серной кислотой и отходами промышленности получена имеющий химический и физико-химические свойства удобрений суперфосфат содержащий микроэлементов молибден и медь молибден отвечающий требованиям сельского хозяйства. М.А. Белоусовым (1975), Б.М. Исаевым (1979), Е.К. Кругловой (1984), Қ.М. Мирзажоновым (2014), А.А. Каримбердиевой (2014) и другими учёными определено, что для нормального развития растений один кг почвы должен содержать меди 0,4-0,8 мг, цинка 1,5-2,5, марганца 80-100, бора 0,8-1,2, молибдена 0,2-0,3 мг. Результатами первоначальных исследований выявлено, что в почвах республики самыми дефицитными из микроэлементов являются медь, цинк, молибден и марганец. Наблюдениями отмечено, что больше всего меда содержится в листьях и в семенах. Если растение необеспеченно медью ослабляется деятельность ферментов. Медь участвует и в процессе азотного обмена в растении. Кроме того, молибден улучшает усвоение азота в растениях, потому что, он входит в состав фермента нитрогеназы участвующем в усвоении азота. В условиях староорошаемых типичных сероземов применение на фоне $N_{200}K_{100}$ кг/га удобрения суперфосфата (P_{140} кг/га) содержащего микроэлементы (медь и молибден) оказало положительное влияние на изменение содержания нитратного азота, подвижного фосфора, обменного калия, валовых и подвижных форм меди, молибдена в почве. Питание растений с азотом, фосфором, калием совместно с медью и молибденом улучшили условия роста, развития растений, повысилось накопление сухой массы, усвояемость питательных веществ что обеспечило получение дополнительного урожая хлопка-сырца на 2,8-4,6 ц/га и улучшилось качество хлопкового волокна.

Ключевые слова: староорошаемый типичный серозем, азот, фосфор, калий, медь, молибден, сроки внесения, урожай хлопка-сырца.

Abstract: Samples of Central Kyzylkum phosphorite: physical and mechanical properties of unenriched phosphorite flour, washed and dried phosphorite concentrate were studied. The physico-mechanical properties of samples of phosphorites, washed, dried concentrate, uncalcified phosphate rock of the Central Kyzyl Kum were studied. It was determined that the superphosphate obtained by the intensive method does not differ in properties and content from other products obtained under other conditions. In addition, the washed calcined phosphoconcentrate and uncalcified phosphorite flour with a low rate of 75 and 93% processed with sulfuric acid and industrial waste produced a superphosphate with chemical and physicochemical properties of fertilizers containing microelements molybdenum and copper that meets the requirements of agriculture. M.A. Belousov (1975), B.M. Isaev (1979), E.K. Kruglova (1984), N.M. Mirzazhonov (2014), A.A. Karimberdieva (2014) and other scientists determined that one kg of soil should contain copper 0.4-0.8 mg, zinc 1.5-2.5, manganese 80-100, boron 0.8-1.2, molybdenum 0.2-0.3 mg for normal plant development. The results of the initial research revealed that in the soils of the republic the most scarce of the micro elements are copper, zinc, molybdenum and manganese. Observations have noted that most of the honey is contained in the leaves and seeds. If the plant is not provided with copper, the activity of enzymes is weakened. Copper is also involved in the process of nitrogen metabolism in the plant. In addition, molybdenum improves the

absorption of nitrogen in plants, because it is part of the nitrogenase enzyme involved in the absorption of nitrogen. Under conditions of old-irrigated typical sierozem soils, the use of superphosphate ($P_{140} \text{ kg ha}^{-1}$) fertilizer containing micro elements (copper and molybdenum) in the background of $N_{200}K_{100} \text{ kg ha}^{-1}$ had a positive effect on the change in the content of nitrate nitrogen, mobile phosphorus, exchangeable potassium, available and exchangeable forms of copper, molybdenum in soil. Nutrition of plants with nitrogen, phosphorus, potassium, together with copper and molybdenum, improved the conditions for growth and development of plants, increased the accumulation of dry mass, the assimilation of nutrients, which ensured an additional yield of raw cotton by 0.28 to 0.46 metric t ha^{-1} and improved quality of cotton fiber.

Keywords: old irrigated typical sierozem soil, nitrogen, phosphorus, potassium, copper, molybdenum, application timing, cotton seed-lint yield.

КИРИШ.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мунтазам юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш тупроқ унумдорлиги ва деҳқончилик маданиятига боғлиқдир. Тупроқ унумдорлиги деганда ўсимликларни бутун амал даврларида озиқа унсurlарига ва тупроқ намлигига бўлган талабини максимал даражада қондириш тушунилади. Тупроқ унумдорлиги оша боргани сари ўсимликлар ҳам шунчалик озиқага тўйинади, маҳсулдорлиги орта боради.

Таъкидлаш жоизки, тупроқ унумдорлигини сақлашда органик ўғитлар билан бирга маъданлиларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳозирги кунда Республика пахтачилигида қўлла-нилаётган маъданли ўғитлардан фақат азотлилари қониқарли даражада, фосфор ва айниқса, калийнинг деярли қўлланилмаётганлигидан тупроқдаги захиралари камайиб бормоқда. Бу борада яна шуни ҳам айтиш керакки, нафақат макроэлементларни, қолаверса микроэлементларнинг ҳам етишмаслиги кузатилмоқда, айниқса мис ва молибден каби микроэлементлар етишмайдиган далалар 600 минг гектарни ташкил қилади (Зокиров, 1989). Пахтачиликда микроэлементларнинг меъёр ва қўллаш муддатларини ўрганиш, уларнинг аҳамиятини аниқлаш, ишлатиш масалаларини ҳал қилишда М.А. Белоусов (1975), Б.М. Исаев (1979), Е.К. Круглова (1984) Қ.М. Мирзажонов (2014), А.А. Каримбердиева (2014), А. Санақулов, Ф.Хошимов (2017) ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўтказилган қўллаб тадқиқот ва тажрибаларда микроэлементлар тупроққа меъёрида солинганда ўзанинг ўсиши ва ривожланиши ижобий ўзгариши ҳамда пахта ҳосилдорлиги гектаридан 1,5-5 центнергача ошиши аниқланган. Бу тадқиқотларда микроўғитлар алоҳида минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилган. Ҳозирда тупроқда микроэлементларнинг етишмаслигини бартараф этиш учун уларни қўллаш керак, аммо микроэлементлар алоҳида ишлаб чиқарилмайди, чунки улар кам миқдорда ишлатилади, шунга қарамай, пахта толасининг технологик хусусиятларини яхшилашдаги аҳамияти исботланган. Бу микроэлементларни фосфорли ўғитлар таркибига киритган ҳолда ишлаб чиқаришда Қизилқум фосфоритлари асосий манба бўлиб ҳисобланади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР.

ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг

илмий ходимлари томонидан тажриба намуналари сифатида таркибида мис ва молибден бўлган фосфорли ўғитлар Қизилқум фосфоритлари асосида синтез қилинди. Мана шу ўғитнинг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўзадаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2017-2020 йилларда ПСУЕАИТИ далаларида тажрибалар ўтказилди. Бу тупроқ қадимдан суғорилиб келинган бўлиб, механик таркиби ўрта қумоқли, ер ости сувлари чуқур (18-20 м) жойлашган.

Дала тажрибаларини ўтказиш ва фенологик кузатувлар ЎзПТИТ услублари (2007) бўйича олиб борилди. Дала тажрибаларидан олинган тупроқ ва ўсимлик намуналарининг агрохимёвий таҳлили “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (1963) ва “Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии” (1977) усуллари бўйича аниқланди.

Дала тажрибасини бошлашдан аввал тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва остки (30-50) смли қатламларидан намуналар олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра тупроқ қатламларига мутаносиб равишда умумий чиринди миқдори 0,709-0,665% гумус, азот – 0,065-0,057%, фосфор – 0,080-0,065%, мис – 26,5-25,0 ва молибден – 6,3-5,7 мг/кг, ҳаракатчан шаклларида $N-NO_3$ -18,1-7,7; P_2O_5 -20,7-9,1; K_2O -352,0-216,4 ва Cu -0,68-0,68; Mo -0,15-0,03 мг/кг дан ташкил топган.

Тажрибада маъдан ўғитлардан: Аммиакли селитра (N -33-34 %), PS -Агро (N -4-5 %, P_2O_5 -40 %), оддий суперфосфат (P_2O_5 -11-14 %), хлорли калий (K_2O -60 %), суперфосфат (P_2O_5 -8,40 %, Cu -0,16 %, Mo -0,041 %), суперфосфат (P_2O_5 -8,42 %, Mo -0,041 %) қўлланилган.

Тажриба вариантлари 3 қайтариқда бир ярусда олиб борилди, делянкаларнинг умумий майдони $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$ ни, ҳисоблиси – 72 м^2 ни, ташкил қилган бўлиб, ўзанинг “Наврўз” нави экилган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР.

Тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорининг ўзгариши тупроқ ҳароратига боғлиқ эканлиги аниқланди.

2020 йил шароитида ўзанинг 2-3 чин баргли даврида ҳаракатчан фосфор миқдори асосан тупроқнинг ҳайдов қатламида кўпроқ тўпланиб, фақат азот ва калий ўғитлари қўлланилган вариантга нисбатан (N -200, K -100 кг/га) 0-30 ва 30-50 см қатламларда мутаносиб равишда 17,8 ва 9,4 мг/кг ни ташкил қилган бўлса,

шонлаш даврига келиб бу кўрсаткичлар 20,1-8,2 мг/кг ни, гуллашда 20,5-9,6 мг/кг ва амал даври охирида 16,8-8,2 мг/кг га тенг бўлганлиги кузатилди.

Тажрибада мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити қўлланилган вариантларда ҳаракатчан фосфор миқдори ғўза 2-3 чин баргли даврида тупроқни ҳайдов ва остки қатламларида 20,2-20,7 мг/кг ва 9,0-9,6 мг/кг ни ташкил қилган ҳолда назорат вариантыга нисбатан 2,4-2,8 ва 0,4-0,6 мг/кг га юқори бўлди. Ғўзани шоналаш даврида бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 4,9-5,5 ва 0,8-1,7 мг/кг, гуллашда 5,5-6,3 ва 0,1-0,5 амал даври охирида эса 3,2-5,7 ва 1,3-2,4 мг/кг га юқори бўлганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, тажрибада тупроқни 0-30 см ли қатламида ҳаракатчан фосфорнинг нисбатан кўпроқ (1-2 мг/кг) миқдори микроэлементлар кўшилган суперфосфат ўғити қўлланилган вариантларда кузатилди.

Биз яна шунингдек тупроқдаги мис ва молибден миқдорининг ўзгаришини таҳлилларда аниқладик. Таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P-140 кг/га) N-200, K-100 кг/га фонида қўлланилганда тупроқдаги Cu ва Mo миқдорлари назоратга нисбатан 5,0 ва 4,1 мг/кг (умумий шакллари) ҳамда 0,2 ва 0,18 мг/кг (ҳаракатчан шакллари)га ортганлиги, қолаверса, ғўзанинг ўсиб ривожланиши учун мақбул фосфорли озикаланиш шароити яратилганлиги аниқланди.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича 2020 йил шароитида олинган маълумотларнинг кўрсатишича, нисбатан мақбул шароит таркибида мис ва молиб-

ден бўлган суперфосфат ўғити (100 кг/га P_2O_5) кузги шудгорда ва (40 кг/га P_2O_5) ғўзанинг шоналаш даврида қўлланилганда яратилган бўлиб, 1-августдаги кузатувларда ғўза бош поясининг баландлиги 97,9 см, ҳосил шохлари сони 15,5 донани, кўсақлар сони 1-сентябрь ҳолатига кўра, 12,5 донани ва шу жумладан очилганлари 6,9 донани ташкил қилди ва назоратга нисбатан мутаносиб равишда 7,1 см, 1,6, 2,3 ва 0,9 донага юқори бўлди.

Тўрт йил давомида ўтказилган тадқиқотларда пахта ҳосили бўйича олинган маълумотлар жадвалда келтирилган. Аввало шуни айтиш керакки, тадқиқот йиллари иқлим шароитларининг нисбатан мақбул келганлиги 2017 йилда камроғи эса 2019 йилда кузатилди.

Фосфорли ўғитлар қўлланилмаган (N-200, K-100 кг/га) назорат вариантыда пахта ҳосили ўртача йиллар бўйича мутаносиб равишда 36,9; 36,8; 33,4 ва 36,6 ц/га ни, 4 йилда эса ўртача 36,6 ц/га ни ташкил қилганлиги аниқланди. Фосфор қўлланилмаган ҳолда бунчалик юқори пахта ҳосили олинганини авваллари қўлланилган фосфорли ўғитларнинг сўнги таъсиридан деб ҳисоблаш керак бўлади.

N-200, K-100 кг/га фонида PS-Agro ўғити (100 кг/га) кузги шудгорда ва (40 кг/га) ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда пахта ҳосили йилларга мутаносиб равишда 41,6; 37,9; 35,9 ва 39,6 ц/га, ўртача 38,7 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 2,1 ц/га кўшимча пахта ҳосили олинди. Бу ҳолат қўлланилган фосфорли ўғитларни ўсимликлар нисбатан етарли даражада

1-жадвал

Таркибида Cu ва Mo бўлган фосфорли ўғитни пахта ҳосилига таъсири, ц/га

Вариант тартиби	Тажриба вариантлари	Йиллар				Ўртача	Қўшимча ҳосил
		2017	2018	2019	2020		
1	N ₂₀₀ K ₁₀₀ кг/га (Фон)	39,6	36,8	33,4	36,6	36,6	-
2	Фон+P ₁₄₀ кг/га (хўжаликда қўлланилган PS-Agro ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га гуллашда)	41,6	37,9	35,9	39,6	38,7	2,1
3	Фон+P ₁₄₀ кг/га (суперфосфат ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га гуллашда)	40,8	37,8	35,6	38,8	38,2	1,6
4	Фон+P ₁₄₀ кг/га (таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га шоналашда)	44,2	40,2	38,3	42,2	41,2	4,6
5	Фон+P ₁₄₀ кг/га (таркибида молибден бўлган суперфосфат ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га шоналашда)	42,5	39,8	36,5	40,5	39,8	3,2
6	Фон+P ₁₄₀ кг/га (таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га гуллашда)	43,5	39,9	36,6	41,5	40,3	3,7
7	Фон+P ₁₄₀ кг/га (таркибида молибден бўлган суперфосфат ўғити 100 кг/га шудгорда, 40 кг/га гуллашда)	42,2	39,0	36,4	40,2	39,4	2,8

ўзлаштирмаганлигидан далолат беради. Оддий суперфосфат ўғити (100 кг/га) кузги шудгорда ва (40 кг/га) гуллашда мавжуд тавсиялар асосида қўлланилганда 4 йилда ўртача пахта ҳосили 38,2 ц/га ташкил қилган ҳолда назоратга нисбатан 1,6 ц/га, PS-Агро ўғитига нисбатан эса 0,5 ц/га камроқ олинди.

Тажрибада нисбатан юқори пахта ҳосили (41,2 ц/га) ва қўшимчаси (4,6 ц/га) таркибида Си ва Мо бўлган суперфосфат ўғити (100 кг/га) кузги шудгорда ва (40 кг/га) ғўзанинг шоналаш даврида қўлланилганда олинди. Бу охириги кўрсаткичлар таркибида фақат Мо бўлган суперфосфат ўғити юқоридаги муддатларда қўлланилганга нисбатан 1,4 ц/га юқори эканлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, фақат Мо бўлган фосфорли ўғитга нисбатан яна Си ҳам бўлгани самарали эканлиги кузатилди ва миснинг таъсиридан 1,4 ц/га қўшимча

пахта ҳосили олинди, лекин молибденнинг таъсиридан қўшимча ҳосил 3,2 ц/га ни ташкил этди.

Таркибида Си ва Мо бўлган фосфорли ўғит (100 кг/га) кузги шудгорда ва (40 кг/га) ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда назоратга нисбатан 3,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди ва мақбул вариантга нисбатан 0,9 ц/га кам бўлди. Суперфосфат ўғити таркибида фақат Мо микроэлементи бўлган ҳолда 100 кг/га микдорда кузги шудгорда ва 40 кг/га ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда 2,8 ц/га қўшимча ҳосил олинди, мақбул кўрсаткичдан 1,8 ц/га кам бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида нафақат фосфорли қолаверса улар таркибида Си ва Мо микроэлементлари биргаликда бўлган суперфосфат ўғитини қўллаш зарурлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Белоусов М.А. Роль микроэлементов в корневом питании хлопчатника. Книга физиологические основы корневого питания хлопчатника. // Ташкент. Издательство «ФАН» 1975. –С.201-218.
2. Исаев Б.М. Физиологические и агрохимические основы питания хлопчатника микроэлементами. // Ташкент, 1979. 260 с.
3. Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. –Тошкент, «Меҳнат». 1988. –54-76-б.
4. Каримбердиева А.А., Холиқназаров Д.Н., Кузиев Ж.М. Колматажли тупроқларнинг агрохимёвий ҳоссалари ва микроэлементлар билан таъминланганлиги. //Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. Тупроқшунос олим, профессор Мажид Умаровнинг 100 йиллигига бағишланади. –Тошкент, 2014. –130-132-б.
5. Круглова Е.К., Алиева М.М., Кобзева Г.И., Попова Т.П. Микроэлементы в орошаемых почвах Узбекской ССР и применение микроудобрений //Ташкент, Издательство «ФАН» 1984. 252 с.
6. Мирзажонов Қ.М., Ғофуров А. Микроэлементларнинг ўсимликларга комплекс таъсири тўғрисида. // “Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари” номли Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2014йил, 11-12 декабрь) . Тошкент, 2014. 40-46 б.
7. Санақулов А., Хошимов Ф. Ёўза органлари ва ҳосили билан олиб чиқилган кобальт микдори. // Агроилм. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси.- Тошкент, 2017. -№ 2(46).-Б.10-11.
8. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007. 147 б.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ниязалиев Беғали Ирисалиевич Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1) ORCIDID<https://orcid.org/0000-0001-5109-2345>.

Тиллабеков Ботир Хасанович Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим, (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1.) ORCIDID<https://orcid.org/0000-0001-5109-2345>.

Тиллабеков Бекзод Алишер ўғли Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти таянч докторант (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1) ORCIDID<https://orcid.org/0000-0001-5109-2345>.

Поступило в редакцию 18.05.2021 г.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР, ЕТАКЧИ ОЛИМ РЕНАТ НАЗАРОВ 85 ЁШДА

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, амалга оширган ишлари билан эл назарига тушиб, қадр топадилар. Қилар иши эзгуликка йўғрилган, яхшилиқни ўзига касб этган орамиздаги одамлардан бири – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, етакчи олим Ренат Назаровдир.

1936 йил 14 августда Самарқанд шаҳрида туғилган қаҳрамонимиз Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олди. Талабалик даврида – 1960 йилда Булунғур туманидаги “Красногвардейск” пахтачилик давлат хўжалигига амалиёт ўташ учун борганининг учинчи куниёқ бўлим агрономи қилиб тайинланганлиги эътиборлидир. Изланувчан мутахассис ўз ҳаётини пахтачилик фани ва амалиётига бағишлади.

1961 йил қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини тамомлагач, ЎзФА Генетика ва ўсимликлар физиологияси институти катта лаборанти, кичик илмий ходим, аспирант, катта илмий ходим бўлиб ишлади (1961–1973 йй).

Р.С.Назаров 1963–1964 йиллари Москвадаги К.А. Тимирязев номидаги Ўсимликлар физиологияси институтида суғориладиган экинлар соҳасида йирик мутахассис, про-

фессор Н.С. Петин раҳбарлигида фаолият олиб борди. А.Л.Курсанов, М.Х.Чайлахян, Я.В.Пейве, П.В.Генкел каби академиклар семиналарида қатнашиб, ўсимлик физиологиясининг ривожланиши ҳамда ҳолатининг услубий асослари ва методологиясини чуқур ўрганди.

1973–2003 йилларда ЎзР ФА Президиумининг Биология бўлими илмий котиби, Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудир, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги катта муҳандиси, Пахтачилик Бош бошқарма бошлиғи; ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтини катта илмий ходими, бўлим мудир, Бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари; Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи, илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош илмий котиби лавозимларида меҳнат қилди.

2018 йилдан ҳозир кунга қадар ТошДАУ профессори вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ренат Саидович Назаров раҳбарлик лавозимида ишлаган чоғларида ҳам илмий-тадқиқот ишларини тўхтатмади ва бугунга қадар бир қатор фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шунинг билан бирга йиллар

давомида у амалиётнинг энг нозик қирраларигача ўзлаштирди. Айниқса, олимнинг тупроқ ва иқлим шароитларига кўра ғўза навларини жойлаштириш, экиш, ўғитлаш, суғориш, қатор орасига ишлов бериш, чилпиш, ҳашорат ва зараркундаларга қарши кураш услуби тўғрисида ОАВ орқали баён қилган содда ва раван тилдаги таклиф ёки тавсиялари аҳамиятлидир.

У қандай лавозимда ишламасин, ўз бурчига юксак масъулият билан ёндашади. Чуқур билим, юқори савия, кенг дунёқараш каби фазилатлар соҳиби мудом халқ ташвишида юради. Кузги-қишки дала юмушларининг ҳар бир вилоятларга хос ғўза агротехикасига оид муаммоларни илмий ҳал этиш масаласи уни ташвишлантиради. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг ғўза селекцияси, уруғчилик ва агротехикаси бўлими бошлиғи Ренат Назаров 1500 дан зиёд мақолалар, рисола, ва монографиялар муаллифи сифатида машҳур. Қайси туманда бўлманг, олимнинг дала ишлари тўғрисида чоп этилган тавсия ёки мақоласини ўқимаган ёхуд телерадиодан эшитмаган деҳқон учрамайди. Негаки, у деҳқончиликдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида ёзади.

Етук мутахассиснинг илмий мақолалари АҚШ, Англия, Исроил, Ҳиндистон, Россия, Украина, Молдавия, Грузия, Озарбайжон

каби кўплаб давлатларда ҳам чоп этилган ва таржима қилинган. Қолаверса, у пахтачилиги ривожланган АҚШ, Аргентина, Бразилия, Греция, Испания, Исроил, Нигерия, Хиндистон, Туркия мамлакатларида бўлиб, уларнинг илмий, амалий тажрибаларини ўрганган ва бу ҳақда кўплаб мақолалар ёзган.

Устоз Ренат Саидович Назаров узоқ йиллик самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан юсак баҳоланиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** унвони билан тақдирланди.

Ўз билим ва маслаҳатларини тадқиқотчи ва илмий ходимлардан аямайдиган тажрибали олим соҳага доир семинарларнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Салкам 40 йилдан

бери Р.Назаров муаллифлигида юзлаб нашр этилган мақола ва рисоалар ўзига хослиги билан эътиборлидир.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Р.Назаров етук агроном бўлибгина қолмай, қалами ўткир, ўз сўзига эга журналист ҳамдир.

Олимнинг қишлоқ хўжалиги фани ва амалиёти ривожини йўлидаги фаоллиги, ғайрати ва шижоати ёшларда ҳавас ва ҳайрат уйғотади. Буюк олим ва меҳрибон устоз сифатида аграр соҳага оид жуда кўплаб тадқиқотчи ёшларга раҳбарлик қилди. Шу кунгача Р.Назаров раҳбарлигида ўндан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Устоз раҳбарлигида Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ғўза ва ғўза маж-

муидаги зироатларни парваришлаш агротехнологиясининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришда ноанъанавий агротехнологиянинг аҳамияти борасида янги замонавий илмий инновацион ишлар амалга оширилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойиси, тажрибали мутахассис, маҳоратли педагог Ренат Саидович Назаров ҳақида қанча ёзсак, камлик қилади. Устоз, Яратгандан сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз! Доимо яқинларингиз ардоғида бўлинг! Сиздек қалби уммон устозга шогирд бўлишдек бахтга мушарраф бўлганимиздан фахрланамиз! Сизни яхши кўраемиз! 85 ёшингиз қутлуғ бўлсин!

***Самимият ила, институт
жамоаси ва шогирдлари.***

“Пахтачилик ва дончилик” илмий оммабоп журналида мақолаларни чоп этиш учун қўйиладиган талаблар

“Пахтачилик ва дончилик” илмий оммабоп журналида нашр этиладиган илмий мақолаларга фан ва ишлаб чиқаришни бир-бир билан уйғунлашган ҳолда мазкур соҳага доир янгиликлар, илмий-амалий ишлар, инновацион ғоялар ҳамда ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, шунингдек тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг илғор тажрибаларини тарғиб қилиш, оммалаштириш, хориж ва мамлакатимизда олий таълимдан кейинги тадқиқотлар тизимида жорий қилинган андозалар асосида талаблар қўйилади. Мақолада назарда тутилган муаммоларнинг мазмуни, тадқиқот услубининг тавсифи, муаллиф томонидан олинган натижалар ҳамда хулосалар қисқа ва аниқ келтирилиши мақсадга мувофиқ.

Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган, таҳрирланган ва форматланган бўлиши керак.

Мақоланинг ҳажми А-4 форматда бўлиб, 20 бетдан ошмаслиги керак, бетларни рақамлаш узлуксиз. Ушбу жилд матн, реферат, библиография, жадваллар, расмлар ва изоҳларни ўз ичига олади. Асосий матн Times New Roman шрифтида терилади, 1,5 оралиқда, асосли ва дефиссиз, шрифт ҳажми 12. Бетнинг барча томонлари 3 см бўлиши керак. Каттароқ мақолалар нашриёт билан олдиндан келишилганидан кейингина қабул қилинади. Мақола УДКга эга бўлиши керак (<http://teacode.com/online/udc/> веб-сайтида аниқлаш мумкин). Муаллифлар сони бештадан кўп бўлмаслиги лозим. **ORCID ID** идентификатори кўрсатилади.

Экспериментал мақолалар учун қуйидаги бўлимлар тавсия этилади: УДК, Аннотация (200- 250 сўздан кам бўлмаган), Калит сўзлар (10 тадан кам бўлмаган), Кириш (Introduction); Материаллар ва услублар (Materials and Methods); Натижалар ва мунозара (Results & Discussion); Хулосалар (Conclusions); Миннатдорчилик (Acknowledgement); Адабиётлар (References).

Назарий, обзор ва муаммоли мақолалар ихтиёрий тузилишга эга бўлиши мумкин, аммо улар таркибида хулоса бўлиши шарт. Бундай мақолалардаги бўлим номлари муаллиф томонидан белгиланади.

Журналда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий мақолалар нашр қилинади:

- Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
- Мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик
- Агрохимё ва тупроқшунослик
- Селекция ва уруғчилик
- Ўсимликшунослик
- Умумий генетика
- Молекуляр генетика
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Мақолани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

1. Мақола мавзусига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг чап бурчагига қўйилади.
2. Мақоланинг номи ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12) – босма ҳарфларда марказда қўйилади.

3. Муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи (ўқиш жойи), лавозими ҳақидаги маълумот мақола юқори қисмининг ўнг тарафига кичик ҳарфларда, ўзбек, рус, инглиз тилларида, курсив (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) билан ёзилади.

4. Қисқача аннотация ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) ёзилиши лозим. Сўзлар сони 200-250 тани ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Калит сўзлар – (10 тадан кам бўлмаган) уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида берилади.

6. Кириш (Introduction); Материаллар ва услублар (Materials and Methods); Натижалар ва мунозара (Results & Discussion); Хулосалар (Conclusions); Миннатдорчилик (Acknowledgement); Адабиётлар (References). Муаллифлар ҳақида маълумот:

Жадваллар минимал миқдорда (3тадан кам бўлмаган) алоҳида саҳифаларда топширилади. Уларнинг ҳажми 1 саҳифадан ошмаслиги керак. Жадвал, график ва мақола матнларида бир хил маълумотларни такрорлаш мумкин эмас. Жадваллар номланиши ва рақамланиши шарт (жадвал 1, жадвал 2). Иллюстрациялар энг кўпи билан (2-3 расм) бўлиши керак, мақоланинг зарур жойларида суратларга илова қилинади (расм 1, расм 2).

Матндаги ҳаволалар қуйидаги тартибда шакллантирилади; (Якубов, 1999). Агар нашрда иккита муаллиф бўлса, унда иккала фамилия ва нашр этилган йил кўрсатилади, масалан: (Шарипов, Мамедов, 2001). Уч ва ундан ортиқ муаллифларнинг асарлари қуйидагича келтирилган: (Амантурдиев ва бошқ., 1998; Назаров ва бошқ., 2000).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алифбо тартибида (Times New Roman; 12 шрифт; 1.0 интервал) кўрсатилиши лозим.

Чоп этиладиган мақолалар мазкур иш бажарилган муассаса йўлланма хати, эксперт комиссия далолатномаси, иккита тақриз (шундан биттаси фан докторидан) бўлиши керак. Мақолалар таҳрирдан ўтказилади, шунингдек, таҳрирдан ўтмаган мақолалар журналда чоп этилмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолалар agroseedscience@gmail.com электрон почта манзилига юборилади. Қўшимча ахборотларни +99890-935-16-77 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Таҳририят.

Требования к оформлению статей для публикации в научно-популярном журнале «Хлопководство и зерноводство»

Научно-популярный журнал «Хлопководство и зерноводство» создан для представления научных исследований и полученных результатов по актуальным вопросам в области растениеводства, в частности хлопководства, генетики, селекции, биотехнологии, семеноводства, мелиорации земель, агрохимии, агротехнологических мероприятий; осуществления взаимосвязи науки с производством, продвижения и популяризации инноваций в данных направлениях, пропаганды передового опыта сотрудников, работающих в данной системе и т.д. Авторам статей рекомендуется конкретно и четко отражать смысл предусматриваемой проблемы (задачи), характеристику методик, полученных результатов и сделанных выводов.

Статьи должны быть написаны на узбекском, русском или английском языках, отредактированы и оформлены в соответствии с нижеследующими требованиями.

Объем статьи – не более 20 страниц формата А4, нумерация страниц сквозная. В этот объем входят текст, аннотация, список литературы, таблицы, иллюстрации и подписи к ним. Основной текст набирается шрифтом Times New Roman через 1,5 интервала с выравниванием по ширине и без переносов, размер шрифта 12 pt. Поля – 3 см со всех сторон страницы. Статьи большего объема принимаются только после предварительного согласования с редакцией. Статья должна иметь УДК (можно определить на сайте <http://teacode.com/online/udc/>). Количество авторов – не более пяти. При подаче статьи просим указывать **ORCID ID**.

Для экспериментальных статей рекомендуются следующие разделы: УДК. Аннотация (резюме не более 200-250 слов), Ключевые слова (не более 10), **Введение** (Introduction); Материалы и методы (Materials and Methods); Результаты и Обсуждение (Results & Discussion); Заключение (Conclusions); **Благодарность (Acknowledgement)**; Список литературы (References).

Теоретические, обзорные и проблемные статьи могут иметь произвольную структуру, но обязательно должны содержать резюме. Названия разделов в таких статьях определяются автором.

Для публикации в журнале будут приниматься статьи по следующим основным направлениям:

- Общее земледелие. Хлопководство
- Мелиорация и орошаемое земледелие
- Агрохимия и почвоведение
- Селекция и семеноводство
- Растениеводство
- Общая генетика
- Молекулярная генетика
- Защита растений

Требования к оформлению статей:

1. Соответствующий названию статьи УДК ставится на первой странице в левом углу.
2. Название статьи печатается на узбекском, русском и английском языках (кегель – 12) прописными буквами по центру.
3. Фамилия, имя, отчество автора(ов), сведения о месте работы (учебы), должность приводятся в верхней части текста строчными буквами курсивом на узбекском, русском и английском языках (шрифт – 12, интервал – 1).
4. Аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках (кегель – 12, интервал – 1). Количество слов должно составлять 200-250.
5. Ключевые слова (не менее 10) предоставляются на трех - узбекском, русском и английском языках.
6. **Введение** (Introduction); Материалы и методы (Materials and Methods); Результаты и Обсуждение (Results & Discussion); Заключение (Conclusions); **Благодарность (Acknowledgement)**; Список литературы (References).

Информация об авторах.

Таблицы в минимальном количестве (3 шт.) печатаются на отдельных страницах. Их объем не должен превышать 1 страницу. Нельзя повторять одни и те же данные в таблице, графике и в тексте статьи. Необходимы заглавия и нумерация таблиц (таблица 1, таблица 2). Иллюстрации не должны превышать 2–3 рис., при необходимости, в статье предоставляются рисунки в виде приложения (рис. 1, рис. 2).

Ссылки в тексте оформляются в следующем порядке: (Якубов, 1999). Если в публикации два автора, то указываются оба автора и год издания, например, (Шарипов, Мамедов, 2001). При наличии трех и более авторов, указывается фамилия лишь первого автора и год издания: (Амантурдиев и др., 1998; Назаров и др., 2000).

Список использованной литературы необходимо составлять в алфавитном порядке (Times New Roman; кегль 12; интервал 1,0).

Для публикации статьи в редакцию необходимо предоставить сопроводительное письмо организации, где выполнены исследования, акт экспертной комиссии и два отзыва (один из которых должен быть от доктора наук). Статьи проходят обязательное рецензирование. Статьи, не отвечающие требованиям, не публикуются в журнале и не возвращаются авторам. Статьи необходимо посылать на электронную почту редакции **agroseedscience@gmail.com**. Дополнительную информацию можно получить по телефону +99890-935-16-77

Редакция.

“Пахтачилик ва дончилик” илмий-оммабон журнали

«Хлопководство и зерноводство» научно-популярный журнал

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Обуна индекси – 1378

Журнал 2021 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва Оммавий Коммуникациялар Агентлигида

2021 йил **15- январда 6450-сонли рақам билан**

рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: ПСУЕАИТИ, Тошкент вилояти, Қибрай тумани,

Университет кўчаси 1-уй.

Мухаррир – Жамалов Л.О.

Мусаҳҳих – Исломова Х.С.

Техник муҳаррир – Гуломов А.Т.

Дизайнер саҳифаловчи – Мамажонов У.Р.

Босишга рухсат этилди: 30.06.2021 йил

Бичими 60x84 1/8. “Arial”

гарнитурада рақамли босма усулда чоп этилди.

Шартли босма табағи 7.75. Адади 100. Буюртма № 05.

“Fan ta`lim poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 24-уй.

ISBN 978-9943-7089-5-2



9 789943 708952